

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## М У Н Д А Р И Ж А

### Аниқ ва табиий фанлар

#### МАТЕМАТИКА

**А.К.Ўринов, А.Н.Рафиков**

Иккита сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимини  
қуриш.....5

**А.С.Бердышев, М.С.Азизов**

Тўғри тўртбурчакда тўртинчи тартибли сингуляр коэффициентли тенглама учун аралаш  
масала.....10

#### ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**О.Деҳқонова, Ф.Юсупова**

Умумий ўрта таълим мактабларида физикани ўрганиш самарадорлигини оширишда  
интерфаол методларни қўллаш .....20

#### КИМЁ

**Б.Саттарова, И.Асқаров, А.Жўраев, К.Киргизов**

Табиий ва синтетик озиқ-овқат қўшилмаларининг фойдали ва зарарли хусусиятлари.....24

**Ғ.Очилов, Г.Турсунова, Р.Карабаева, А.Иброхимов, М.Исақов**

Мева данакларидан адсорбентлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.....27

#### БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**Р.Х.Максудов**

Асаларичилик ва ушбу соҳа ривожидида олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни .....31

#### ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**Р.Қ.Қўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж.Халилова**

Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг айрим жиҳатлари.....34

### Ижтимоий-гуманитар фанлар

#### ИҚТИСОДИЁТ

**А.Гафуров, Г.Халматжанова, А.Мирзаев**

Ўзбекистон иқтисодиётида инновация ва модернизация .....38

#### ТАРИХ

**А.Маҳмудов**

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишнинг манбашунослиги ва  
тарихшунослиги .....42

**Ў.Хошимов, Р.Шукурулаев**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида кадрлар  
тайёрлашдаги ўзгаришлар (Фарғона водийси мисолида).....46

**Т.Хатамов**

Ўзбекистонда халқ таълими тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,  
хорижий тилларни ўқитиш ва кадрларни қайта тайёрлашда халқаро муносабатларнинг  
илмий таҳлили.....50

**У.Хўжамуратов**

Ўзбекистонда ширкат хўжаликларидаги муаммолар ва уларнинг тугатилиши.....55

**А.Алохунов**

Фарғона қадимги шарқ илк деҳқон жамоаларининг миграциялари даврида.....60

#### ФАЛСАФА, СИЁСАТ

**Ж.Я.Яхшиликков, Б.Мирзарахимов**

Жамият ҳаётига мафкуравий муносабатларнинг таъсири ва уларнинг намоён бўлиши  
хусусиятлари .....64

**Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова**

Ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар: назария ва амалиёт.....67

**Ш.Аббосова**

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини  
таъминлаш масалалари.....72

УДК: 93/99+(045)

УСМОН ХЎЖА ПЎЛАТХЎЖАЕВ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИ  
ЎРГАНИШНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

А.Маҳмудов

**Аннотация**

Мақолада XIX асрнинг охириги чораги – XX асрнинг 60-йилларида яшаган, Туркистон (Ўзбекистон) мустақиллиги учун курашда иштирок этган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев фаолиятини ўрганишга оид манбалар ҳамда тарихий тадқиқотлар ҳақида фикр юритилади.

**Аннотация**

В статье представлены размышления об источниках и исторических исследованиях, касающихся деятельности Усмана Ходжи Пулатходжаева, жившего в период последней четверти XIX века - 60-х годах XX века и принимавшего участие в борьбе за независимость Туркестана (Узбекистана).

**Annotation**

In this article it is told about Usmon Huzha Pulatkhozhayeva the period from the last quarter of the 19th century to the 60th years of the 20th century fighting for independence of Uzbekistan (Turkestan) the research sources.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ватан, Ватан хоини, айғоқчи, жадид, тараққийпарвар, юртсевар, истиқлол, тадқиқот, мақола, хориж, манба, тарихий асар, озодлик курашчиси, архив манбаси, хорижлик олим.

**Ключевые слова и выражения:** Родина, предатель Родины, лазутчик, джадид, сторонник прогресса, патриот, независимость, исследование, статья, иностранный, источник, исторический труд, борец за свободу, архивный источник, зарубежный учёный.

**Keywords and expressions:** homeland, traitor of the motherland, spy, jadid, patriot, independent, study, article, a source, historical work, freedom fighter, archive source, foreign scientist.

Тарихий тадқиқотлар тизимида Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашган миллатдошларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳамда фаолияти ҳақида илмий изланишлар олиб бориш истиқлол йилларида муҳим ўрин эгаллади. Ўз тақдирини она-юрти озодлиги ва ҳурлиги билан боғлаган, умрининг сўнгги нафасигача истиқлол орзуси билан яшаган инсонлардан бири Усмон Хўжа Пўлатхўжаев (1878-1968) ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотда ушбу шахснинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолиятини очиб беришга қаратилган манбалар ва тарихий изланишлар ҳақида фикр юритиш мақсади кўзланди.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев йирик савдогар Пўлатхўжа Кароматуллохўжа оиласида 1878 йили дунёга келди. Замонасининг дунёвий ва диний илмларидан хабардор бўлиш бахтига муяссар бўлди. Дўсти Ҳамидхўжа Меҳри билан XX аср бошларида Истанбул (Усманийлар салтанати)да таълим олди. XIX аср охири–XX аср бошларида Туркистонда, Бухоро амирлигида кечган ижтимоий–сиёсий ўзгаришлар, маданий-маърифий жараёнларнинг марказида турган фаол шахс сифатида ном чиқарди.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ҳаёти ва фаолиятини

ўрганишда у яшаган йилларда (1878-1968) яратилган катта-ю кичик асарларда, мақола ва матбуот хабарларида маълумотлар бериладиги, улар биз учун муҳим манба ҳисобланади.

Аввало, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев билан қариндошчилик ришталари орқали боғланган таниқли давлат арбоби ва сиёсатчи Файзулла Хўжаев (1896-1938) ўзининг “Бухоро ахбори” саҳифаларида 1921 йилда босилган “Хотирамда”[1] мақоласи ва “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар”[2,75-85] номли китобида Усмон Хўжанинг маърифатпарварлик ва ижтимоий-сиёсий фаолиятининг 1910-1917 йиллар даврига эътиборини қаратади. Ф.Хўжаевнинг “Хотирамда” мақоласида Усмон Хўжанинг Туркия таҳсилдан қайтиб, 1912 йилдан бошлаб мактабчилик ишларига бутун вужуди билан киришиб кетганлиги, янги усул мактаблари очиш, ўқувчиларга замонавий билим бериш соҳасидаги фаолиятига юқори баҳо берилган. Ф.Хўжаев китобида эса Усмон Хўжанинг амирлик тартибига қарши курашда Абдурауф Фитрат (1886-1938), Абдувоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний (1878-1953), Ҳамидхўжа Меҳрилар билан бир сафда бўлганлиги очиб берилган.

Усмон Хўжанинг замондоши, адиб ва

А.Маҳмудов – ФарДУ, тарих кафедраси ўқитувчиси.

## ТАРИХ

муаррих Садриддин Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” китобида ушбу шахс фаолиятига бир неча бор мурожаат қилади.

Ёзувчи Усмон Хўжанинг маърифатпарварлик фаолиятини юқори баҳолар экан, жумладан, “Усули Савтия (янги усул) мактаблари билан яқиндан танишиш учун рафиқларимиздан (дўстларимиздан) Усмон Хўжа ва Ҳомид Хўжани Боқчасарой (Қрим) ва Истанбул (Туркия)га юбордик[3.202]”, деб ёзади.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда 1927-1931 йилларда унинг муассислигида чоп этилган “Янги Туркистон” (“Йени Туркистон”) ва 1929-1939 йилларда Парижда Мустафо Чўқай (1886-1941) нашр эттирган “Ёш Туркистон”даги маълумотлардан ва турли нашриёт органларидаги мақолалардан фойдаланиш мумкин [4].

Шунингдек, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзРМДА)нинг Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги сиёсий агентлиги, БХСР (1920-1924) тарихи билан боғлиқ фондлардан ўрин олган.

Уларни танқидий руҳда, истиқлол мафкураси асосида ўрганиш истиқболдаги вазифадир.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев фаолиятини атрофлича ўрганишда унинг ўғли Темур Хўжа (1947 йилда туғилган) хотиралари [5], оғзаки тарих (оральная история) маълумотлари ҳам манба сифатида хизмат қилади.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев фаолиятига бағишланган тадқиқотларни, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги айрим лавҳаларни ёритишга қаратилган ишларни уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Совет ҳокимияти йилларида ўтказилган тадқиқотлар, яратилган китоб ва мақолалар.

2. Мустақиллик йилларида ёзилган ишлар.

3. Хорижда чоп этилган асар ва мақолалар.

Совет ҳокимияти йилларида яратилган асарларда Усмон Хўжа Пўлатхўжаев шахси нуқул “қора бўёқ”дан иборат ҳақоратомуз фикрлар билан баён қилинган.

Марксча-ленинча методология ва советча мафкура қолипида чоп этилган китобларда Усмон Хўжа Пўлатхўжаев “ватан хоини”, “сотқин”, “босмачилар тарафдори”, “халқ душмани”, “инглиз айғоқчиси”, “япон ва Америка айғоқчиси” каби айблар билан қораланади.

Совет махсус идораларининг топшириғи билан собиқ ўзбек муҳожирлари Маҳмудбек Ойқорали, Саид Маъруф Каримий, Ғулом Аббослар томонидан ёзилган “Туркистонни “озод” қилмоқчи бўлганларнинг ҳақиқий башараси” номли рисоладан Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақида: “Усмон Хўжа халқ моли бўлган тиллалар ва бошқа кўпгина қимматли нарсаларни ўғирлаб, 1922 йилда Бухородан Афғонистонга қочиб ўтди ва у ерда ўзини Туркистон муҳожирларининг бошлиғи деб, эълон қилди. Усмон Хўжа бир неча йил ичида халқдан ўғирлаган нарсаларини Истанбул (Туркия) ва Берлин (Германия) ресторанларида кайф-сафоларга сарфлаб тугатди ва бундан кейин бошқа текин даромад қидириш пайига тушди. Усмон Хўжа совет ҳукумати Хитой Халқ Жумҳурияти ҳақида тўпланган жосуслик маълумотларини Америка разведкасидан бошқа уялмасдан инглиз разведкаси ва Покистон разведкасига сотди. Кекса ва тажрибали жосус бўлган Усмон Хўжа бир неча хўжайинларга хизмат қилиш йўли билан ўз бойлигини орттирмоқдадир” [6,7-8,12-13] каби ноҳолис, нуқул тухматдан иборат фикрларни ўқиймиз. Совет ҳокимияти йилларида БХСР ва Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ яратилган барча ишларда Усмон Хўжа ҳақида юқоридагидек бир андозада “Ватан хоини” тушунчаси илгари сурилади.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақида тарихий далилларга таяниб, объективлик тамойилидан келиб чиқиб мақолалар ёзиш истиқлол арафасида ва ундан кейинги йилларда бошланди. Мустақиллик йилларида ёзилган ишларнинг биринчи гуруҳига бевосита Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳаёти ва фаолиятини ёритишга қаратилган мақолаларни киритамиз.

Ушбу йўналишда тарихчи олимлардан Р.Шамсутдинов, Қ.Ражабов, Ш.Ҳайитов [7,2; 8,16-28; 9, 68-70; 10, 41-45; 11,28-29; 12,136; 13,49-53;14,160] кабиларнинг мақолалари муҳимдир. Юқорида исм-шарифлари зикр

қилинган муаллифлар архив ҳужжатлари, хорижда чоп этилган адабиётлар, шахсий мулоқотларнинг материаллари асосида фикр юритиб, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга эришдилар.

Иккинчи гуруҳда ўзбек муҳожирлиги ва Бухородан хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлган ватандошлар тарихи, уларнинг тарихий тақдири билан боғлиқ айрим тадқиқотларда, китоб ва мақолаларда ҳам Усмон Хўжа Пўлатхўжаев шахсининг баъзи бир қирраларини ёритувчи масалалар баён қилинади. [15,10-14; 16,1; 17,78-79,114-115]

Ушбу гуруҳдаги илмий изланишларда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг Бухоро ва бутун Туркистондаги маърифатчилик фаолияти, жадидчилик ҳаракатида тутган ўрни, ҳукумат идораларидаги фаолияти, истиқлол учун курашлардаги иштироки, хорижий мамлакатлардаги ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд. Аксарият муаллифлар Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолият даврини бир неча босқичга бўладилар. Бироқ, ушбу илмий ишларда муаммо илмий асосда атрофлича қараб чиқилмайди. Бу эса ўз-ўзидан аён бўлиб, унинг хориждаги узоқ йилик ҳаёт йўли ҳақида маълумотлар ҳанузгача биз учун узук-юлуқ ҳолда етиб келганлигидандир.

Маълумки, истиқлол йилларида, яъни совет мустабид тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев билан бир сафда туриб озодлик учун курашган шахслар ҳақида ва ўша замонлар тарихи тўғрисида бир қатор илмий ишлар эълон қилинди. Бу каби тадқиқотларда ҳам Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақида холисона фикрларни учратамиз. Бу борада Б.Эргашев, Ф.Қиличев, Ф.Қосимов, У.Рашидов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Ражабов, Ж.Муртазоев, А.Мингноров, Р.Шамсутдинов, Сотимжон Холбоев [18.; 19,151-165; 20,31-39; 21; 22,94-123; 23; 24,51-52; 25; 26,170-193; 27; 28,47; 29,181] кабиларнинг асарларини санаб ўтишимиз мумкин. Мустақиллик берган имкониятдан фойдаланиб ёзилган ушбу изланишларда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг XX асрнинг дастлабки ўн йилликларида ўз сафдошлари билан маърифатчилик ва озодлик учун кураш олиб борганлиги, унинг асл мақсади, орзу-истаклари ва интилишлари билан

муштараклигига кўпгина ишоралар мавжуд. Муаллифлар совет давридаги тарихий воқеаларга баҳо беришда бир ёқламаликдан тўла воз кечган ҳолда, ўз фикр мулоҳазаларини билдирганликлари эътиборга лойиқдир.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев шахси ҳақидаги маълумотлар форс-тожик тилидан таржима қилинган баъзи бир адабиётларда ҳам учрайди.

Бу борада Сайид Мансур Олимий ва Муҳаммад Али Балжувоний китоблари [30.97-98; 31.112-115]ни қайд қилиш мумкин. С.М.Олимий Усмон Хўжа Пўлатхўжаевга нисбатан салбий муносабат билдириб ўтса, М.А.Балжувоний унинг истиқлолчилар тарафида бўлганлигини далиллайди.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг тарихий шахс ва истиқлол фидойиси сифатидаги фаолияти тарихини ўрганиш учун хорижий мамлакатларда, айниқса, Туркия Республикасида бир қатор тадқиқотлар эълон қилинган. Бу борада Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг муҳожирликда яшаётган фарзанди – Темур Хўжа ўз отаси фаолиятини ёритишга бағишланган алоҳида мақолалар тўпламидан иборат китобни чоп эттириши [32,495] муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур китобда инглиз, турк, немис олимлари ва ўзбек муҳожир миллатдошларимизнинг мақолалари турли тилларда эълон қилинди.

Айниқса, тўпламдаги Адей Гольд ва турк тарихчиси Мехмет Сарайнинг мақолалари Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақида бой маълумотлар беради. Туркиялик тарихчи Мехмет Сарай ўзининг 1990 йилда чоп этилган “Отатуркнинг совет сиёсати” китобида ҳам бухоролик муҳожир, БХСР нинг Германиядаги собиқ талабаси Аҳмад Найим Нусратиллобек (1900-1984) хотиралари асосида Усмон Хўжа Пўлатхўжаев тўғрисида фикр билдирган. Туркия Республикасида муҳожирликда яшаётган ота-бобоси асли андижонлик бўлган Аҳад Андижоний туркистонлик муҳожирлар тарихига бағишланган йирик тадқиқотини 2003 йилда Истанбулда чоп эттирди. Аҳад Андижоний [33,942] китобида ҳам Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ва унинг томонидан амалга оширилган айрим ишларга салмоқли саҳифалар ажратилган.

## ТАРИХ

Туркиялик олим Чагабой Кочарнинг “Ота юртдан она юртга Туркистонлилар” (турк тилида) номли китобида Усмон Хўжа Пўлатхўжаев шахсига бот-бот мурожат қилиниб, унинг истиқлол йўлидаги хизматлари эътироф этилади.

Хуллас, Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш учун манба ва тадқиқотларни атрофлича таҳлил

қилиш, озодлик учун курашларда ушбу шахснинг ролини холисона, объектив очиб бериш тарихимиз саҳифаларини бойитади. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳақида яратилган тадқиқотларни қиёсий таҳлил ва хронологик изчилликда ўрганиб, тегишли хулосаларга келиш эса келажакда илмий изланишлар олиб борадиган тадқиқотчилар зиммасидадир.

## Адабиётлар:

1. Файзулло Хўжаев. “Хотирамда”// Бухоро ахбори, 48-сон, 1921 йил 1-сентябрь (араб имлосида, эски ўзбек адабий тилида).
2. Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар/ Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалари китобида. – Т.: Фан; 1997.
3. Айний С. Асарлар (Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар). 8 томлик, I-том. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1963.
4. Элтар. Истанбулда Туркистон куни // Ёш Туркистон. -1930.№4.-Б.29-32 (араб имлосида). А.А.Найим
5. Усмон Хўжа ўғли // “Хур Туркистон учун истиқлолчи” газета. -1975,№1
6. Темур Хўжа. “Ватан дея ватансиз ўтдик”// “Халқ сўзи”, 1991 йил 25 январь; “Мен Ватанда эмасман, Ватан менинг ичимда”. -“Муносабат” газетаси, 1990 йил 30 октябрь
7. Ойкорали М., Каримий С.М., Аббос И. Туркистонни “озод” қилмокчи бўлганларнинг ҳақиқий башараси. (араб имлосида) –Т., 1969.
8. Шамсутдинов Р. Усмон Хўжа ватан хоини эмасди // “Халқ сўзи”, 1991 й. 15 октябрь; Ражабов Қ. Истиқлол курашчиси // Вазият. 2006; II; Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев–миллий мустақиллик курашчиси // “Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йилликка” Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 18-20 октябрь, 1997 й; -Т.: “Ўзбекистон”, 1997; Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев–хуррият ва озодлик курашчиси // Ўзбекистон тарихининг айрим долзарб муаммолари анжумани материаллари. Фарғона. 1999; Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ким эди? // Бухоро мавжлари, -2005, №3; Усмон Хўжа Пўлатхўжаев / Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. -Т.:ЎзМЭ нашриёти. Т. 9; -2005. -Б. 136; Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев маърифатпарвар ва истиқлол курашчиси// Педагогик маҳорат. (Бухоро)-2007.-№3.- Б.49-53; Ҳайитов Ш.А., Саидов И.М. Хориждаги ўзбеклар тарихи ва этнографияси. – Самарқанд – 2015.
9. Тоҳир Қаҳҳор.Хур Туркистон учун // Мақолалар. –Т.: Чўлпон. 1994-Б.10-14;Ражаббой ота Турк. “Ватан дея ватансиз ўтдик”// “Халқ сўзи”, 1991, 25 январь; Абдуллаев Ў.К. Ўзбекистонда 20-30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати.Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Андижон-2003.
10. Эргашев Б.Х. Идеология национально-освободительного движения в Бухарском эмирате.-Т:Фан. 1990; Киличев Ф. Мустақилликнинг фожиаи йоли // Шарқ юлдузи, 1992, №7, Б.151-165; Қосимов.Ф., Эргашев Б. Курултай выбрал путь // Родина, 1989, №1 С 31-39; Қосимов Ф., Рашидов У. Бухорода босмачилик ҳаракатидан лавҳалар. (1920-1924 йиллар). -Т: 1994; Рашидов У. Бухоро Республикасида қаршилик ҳаракатининг биринчи босқичи (1920-1922 йиллар) // Бухоро тарихи масалалари (мақолалар тўплами). –Бухоро,1996.
11. Шу муаллиф. Бухоро Халқ Республикаси. Бухоро-2003; Болтабоев Х., Абдурауф Фитрат // Мулоқот. -1996, №4. –Б. 51-52; Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). -Т: “Маънавият”, 2002; Муртазоев Ж., Худойбердисв С. Фитратга қарши фитна // Жаҳон адабиёти. -1997, №7. -Б. 170-193; Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий ташкилотлар (миллий матбуот материаллари асосида) -Т: «Маънавият» -2002; Шамсутдинов Р., Абдурахим Юсуфзода. /Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. -Т: «Шарқ» -2001.-Б.47-79; Сотимжон Холбоев, Бухоро амирлигининг олтин хазинаси (Тарих,тадқиқот,таҳлил). –Т.: Фан, 2008.
12. Сайид Мансур Олимий. Бухоро-Туркистон бешиги (форс тилидан таржима). Таржимон номидан сўз боши ва айрим изоҳлар муаллифи Х.Х.Тўраев). Бухоро -2004; Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих) (Тожиқ тилидан Ш.Воҳидов ва З.Чориевлар таржимаси). –Т., 2003.
13. Turkistanda Venilik Hareketleri ve **Jhtilaller**: (1900-1924) Osman Hoča Anisina **Jhcelemlen** (Hozirlayan Timur Kosaonglu) SOTA Harlen.2001..
14. Prof.Dr. Ahat Andican. Ceditizmeden Bagimsizlige Harice. Turkistan Mucadelesi Istanbul, Birinci Baski, 2003.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)